O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BO`KA TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЎКА ТУМАНИ
ҲОКИМИ

QARORI
ҚАРОРИ

Бўка шаҳри 88 - сонли «23» 01 2019 йил.

2019 йилда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасини ўтказиш тўғрисида

Туман ахолисини ижтимоий химоялаш, бандлигини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикасининг "Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунининг 2, 3, 7, 18 моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Аҳолини ижтимоий химоя қилиш, банд бўлмаган ва коллеж битирувчи ёшларни иш қидираётган даврида уларни ишга жойлаштириш мақсадида мехнат ярмаркалари режа-жадвали асосида ташкиллаштирилсин. Мехнат ярмаркалари режа-жадвали 1- иловасига асосан тасдиқлансин.

Туман хокимлиги, туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан биргаликда корхона, ташкилотлардан олинган бўш иш ўринлари хамда захираланган (квоталанган) иш жойлари тўғрисидаги маълумотлари асосида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилсин.

Мехнат ярмаркаларини режа-жадвалга асосан ташкиллаштириш ва ўтказиш учун туман ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага асосан тасдиқлансин.

Қарор ижросини таъминлаш туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори (Я.Жумабоев)га топширилсин.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Борхўжаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.в.б **У.Юлдашев**

Бўка туман хокимининг 2019 йил "23" 01 даги № 88 - сонли карорига 1 - ИЛОВА

Бўка туманида 2019 йил давомида ўтказиладиган
Бўш иш ўринлари ярмаркалари

РЕЖА ЖАДВАЛИ

Т/р	Ярмарка ўтказиладиган жой	Ярмарка ўтказиш вақти	Маъсуллар
1	Маъданият ва дам олиш маскани	2019 йил январ ойи	У.Юлдашев Я.Жумабоев
2	Бўка Агросаноат ва транспорт касб хунар коллежи	2019 йил апрел ойи	У.Юлдашев Я.Жумабоев
3	Бўка тумани Жағалбайли МФЙ	2019 йил июль ойи	У.Юлдашев Я.Жумабоев
4	Бўка Маиший хизмат кўрсатиш касб хунар коллежи	2019 йил октябр ойи	У.Юлдашев Я.Жумабоев

Бўка туман хокимининг 2019 йил “23” 01 даги № 88 - сонли қарорига 2 - ИЛОВА

Бўка туманида 2019 йил давомида ўтказиладиган Бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил қилиш бўйича туман ишчи гурухи

ТАРКИБИ

Т/р	Ф.И.Ш	Лавозими
1	У.Юлдашев	Туман хокимининг биринчи ўринбосари - Ишчи гурух рахбари
2	Я.Жумабоев	Туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори – ишчи гурух рахбари ўринбосари
Комиссия аъзолари		
3	М.Абдулазизова	Хотин қизлар бўйича туман хокимининг ўринбосари
4	У.Байрамов	Бўка туман Агротадбиркорлик касб хунар коллежи
5	М.Азимов	ХТМФМТ ва ТЭБ мудири
6	Х.Вахобов	Туман Тиббиёт бирлашмаси рахбари